

Либос китоби



09:00 / 07.07.2022 6774

Эътибор билан қарайдиган бўлсак, Ислом динининг батафсил ҳукмларини баён қиладиган барча китобларимизда «Либос китоби» бор. Айниқса, ҳадис, тасаввуф ва фикҳ китобларимизда бунга алоҳида эътибор берганлар.

Ислом дини Аллоҳ таолонинг мукамал, барча замон ва маконларга салоҳиятли дини ўлароқ, инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Шу билан бирга, кийиниш ҳам инсон ҳаётининг муҳим соҳаси эканлиги ҳаммамизга маълум. Бошқа ҳамма соҳаларда ўз кўрсатмаларини берган Ислом кийиниш борасини тарк этса, унинг мукамаллигига футур етган бўлар эди.

Шунинг учун Исломда бу масала ҳам бошқа масалалар қатори, етарли даражада муолажа қилинган. Бу эса мусулмонлар учун бахтдир. Чунки

улар ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби кийиниш масаласида ҳам тайёр таълимотларга амал қилиб, икки дунё саодатига эришиш учун яна бир илоҳий ёрдам ола биладилар.

Бошқалар эса бу соҳада ҳам талашиб-тортишиб, «Сеники нотўғри, меники тўғри», дейиш билан овора бўладилар. Оқибатда ҳаммасиники нотўғри бўлиб чиқади.

Баъзилар «Кийиниш масаласига бунчалик эътибор беришнинг боиси нима, ахир бу арзимаган нарса-ку», дейишлари мумкин. Уларга «Аввало, кийиниш арзимаган нарса эмас, қолаверса, Исломда инсон ҳаётининг арзимайдиган ҳеч бир жойи йўқ, балки инсон ҳаётининг ҳамма соҳалари ҳар қанча эътиборга сазовордир», дейилади.

Инсоннинг кийиниши унинг ички-маънавий дунёсининг сиртда акс этишидир, дейишимиз мумкин. Уят, виждон, ҳаё, ор-номус каби тушунчаларга эга бўлган инсон ўзининг обрўсини сақлайдиган, бошқаларнинг нафратини қўзитмайдиган бўлиб кийинади. Мазкур тушунчалардан йироқ бўлган кишилар эса яланғоч юришлари ёки бошқача ҳолга ўтишлари ҳеч гап эмас.

Бунинг устига, кийим-бош инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлгани учун унинг руҳиятига, ахлоқига таъсир қилиши турган гап. Мисол келтирадиган бўлсак, аскарларга ўзига хос кийим кийдириш ҳамма халқларда қадимдан одат бўлиб келган. Бу аввало аскарларга ўз вазифасини адо этишида қулайлик туғдирса, иккинчидан, махсус кийим уларга таъсир қилиб, аскарлик руҳини тутиб туришда, кучайтиришда иш беради. Ҳатто бу соҳага мутлақо алоқаси йўқ одам аскар кийимини кийиб олса, аскарлар каби шахтам юришга интилиб қолиши шундан.....

Исломдан олдин кийиниш, уй тутиш, умуман, маиший маданият бўйича дунё инсон номига доғ бўлиб тушадиган бир ҳолда эди. Ҳеч ким бу соҳа бўйича ҳалол-ҳаром ёки савоб-гуноҳ деган нарсани билмас эди. Шахсий ва умумий озодалик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ана шундай бир пайтда Ислом ҳаётнинг бошқа соҳалари қатори, бу соҳани ҳам таг-туғи билан илоҳий таълимотлар асосида ислоҳ қилишни бошлади. Аста-секин инсониятни бу соҳада ҳам жоҳилият зулматларидан Ислом нурига олиб чиқди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)